

## ШАРТНОМА № 2

(сиқилган газ сотиш учун)

05 январ 2022 й.

Когон тумани

«CRYSTAL OIL» МЧЖ бундан буён «Сотувчи» деб номланади, «Устав»и асосида иш юритувчи рахбар Усмонов Д. Д бир томондан, «Ромитан ЙМФ» УК бундан буён «Харидор» деб номланади, «Устав»и асосида иш юритувчи рахбар Шарипов Э.А иккинчи томондан куйидаги шартномани туздик:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Сотувчи» махсулотни сотиш мажбуриятини, «Харидор» эса сотиб олинган махсулот учун уз вақтида пул туловларини сотувчинини хисоб рақамига утказиш мажбуриятини олади.

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Жами 1 – йилга бериладиган махсулот миқдори	Шу жумладан йил чораклари бўйича			
				I	II	III	IV
1	Сиқилган газ	М3	85 000				201 600 000

1.2. Сотувчи махсулотни газ куйиш шаҳобчалари орқали, харидорни махсус сиқилган газ махсулотлари билан ишлайдиган жихозланган автомашиналари орқали амалга оширади.

1.3. Харидорнинг автомашинасига куйилган махсулот қуни, махсулотни етказиш санаси хисобланади.

### 2. ТУЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Махсулот етказиб беришни амалга ошириш махсулот учун харидор томонидан сотувчининг хисоб рақамига хар ойлик 100 фоиз пул утказилганидан кейин амалга оширилади.

2.2. Хом-аше материаллари, екилги, энергетик ресурслар таннархи узгарганда ҳамда Ўзбекистон Республикасида ҳаракатда булган қонун ва қарорларга тегишли узгартиришлар киритилганда, шартномада махсулот учун курсатилган нарх **2400** (Икки минг уч юз эллик) сўм қилиб белгиланди. Шартноманинг умумий қиймати акциз ва ККС билан биргаликда **201 600 000 (Икки юз бир миллион олти юз минг) сўмни** ташкил этиб, томонлар қелушувига асосан узгартирилиши мумкин. Бунда Сотувчи Харидорга ёзма маълумот беради.

2.3. Махсулот учун тулов, махсулот олинган қундаги нарх билан амалга оширилади.

2.4. Махсулот харидорга тарқатиш варақанда қайд қилинган қолда берилди.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Харидорнинг мажбуриятлари:

- белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотлари куйиш учун махсус рухсатнома олиш.
- газ баллонининг геометрик ҳажми ва техник ҳолати тугрисида ҳайдовчининг йул варақасига тегишли белги қуйиш.
- автомашинанинг газ баллон усқунасини соз қолда сақлаш.
- газ махсулотларидан фойдаланиш қоидаларига, техника ҳавфсизлиги қоидаларига тулик риоя қилиш.

3.2. Харидор газ махсулотлари билан ишлайдиган, қайта жихозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида, техника ҳавфсизлиги ва автомашинани техник ҳолати учун тулик жавобгарликни уз зиммасига олади.

3.3. Сотувчининг мажбуриятлари:

- автомашинадаги мавжуд ўлчов усқуналарини созлигини ва бу мосламалардан тўғри фойдаланилаётганлигини назорат қилиш
- автомашинани ҳайдовчисини газ махсулотларини ташиш учун гувоҳномаси борлигини текшириш
- харидор томонидан шартнома шартларини бузиш ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик ҳолати аниқланганда, махсулот беришни тухтатиш;

3.4. Томонлар махсулот ҳажмининг уртача қунлик нормасидан қелиб қикқан қолда ойлик газ миқдорини бир маромда узатиш ва қабул қилиши шарт.

3.5. Харидор сотиб олган махсулотни истеъмол қилиш даврида хар бир юзага қелган узгаришлар

хакида келгуси чорак бошланишидан 15 кун олдин сотувчига езма равишда хабар килиши шарт.  
3.6. Сотувчи газ куйиш шахобчаларида мавжуд булган ускуналарни навбатдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий таъмирлаш ишларини бошлашдан 15 кун олдин, харидорга хабар килиши шарт.

#### 4. МАХСУЛОТ (ГАЗ) ХИСОБИ

4.1. Харидорга берилган махсулот миқдори таркатиш варакаси буйича хисоб-китоб килиб борилади.

4.2. Харидорга берилган махсулот миқдори АГТКШда ўрнатилган компрессор станцияси газ тақсимлаш диспенсери ўлчов асбоблари орқали аниқланади.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Харидор шартномада кўрсатилган хажмдаги сиқилган газдан купрок миқдорда олмокчи булган тақдирда, томонлар уртасида кушимча шартнома тузилади.

5.2. Сотувчи шартномада курсатилган махсулот билан харидорни уз вақтида таъминлай олмаса, куйидаги холларда жавобгарликни уз зиммасига олмайди:

- а) электр тармоқларида авария содир булган холларда;
- б) табиий офатлар (ёнгин, ер кимираш, сув тошқинлари) юз берган холларда;
- в) электр тармоқларининг таъмирлаш учун тухтатилганда;

5.4. Шартномада курсатиб утилган мажбуриятларни бажарилиши буйича томонлар Ўзбекистон Республикаси конунлари буйича жавобгардирлар.

#### 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома ва унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар музокара ва маслаҳатлар йўли билан хал қилинади.

6.2. Агарда кўрсатиб ўтилган келишмовчилик ва низолар музокаралар йўли билан хал этилмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан Хўжалик судида хал этилади.

#### 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Томонлар шартномани имзолаган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва **2022 йил «31» декабргача** амал қилади,

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, «Сотувчи» ва «Харидор»га тақдим этилади.

#### 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОҲЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

<b>«CRYSTAL OIL» МЧЖ</b>
Ромитан туман Кахрамон кишлоқ
х/р:20208000905090266001
Банк: Узсаноатқурилишбанк
Туқимачилик ф-ли
МФО 00862 ИНН:306 495 109
ОКЭД
Телефон: +99898 274 89 89
 <b>Усмонов Д. Д</b>

<b>«Ромитан ЙМФ» УК</b>
Бухоро вилояти Бухоро шаҳар, Низомий кучаси, 20А-уй
х/р:20 210 000 500 850 333 001
Банк: "Ипотека-банк" АТИБ Бухоро вилоят филиали
МФО 00088 ИНН:305 362 693
ОКЭД 61129
Телефон
 <b>Шарипов Э. А</b>

М.У.

М.У.

 